Мактабдаги таълим неча ёшдан бошланса самаралироқ бўлади? 3-б.


# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 13 апрель
сешанба
№ 15 (1271)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/



hudud24
Endi 24 soat siz bilan!
Энг сўнгги хабарлар
Ҳуқуқий маълумотлар
Таҳлилий мақолалар
Мурожаатга жавоблар

БУЮРТМАЧИНИНГ БУЙРУҒИ БАЖАРИЛГАН. АММО... 4-БЕТ

АДВОКАТЛИК ҚАСАМЁДИГА СОДИҚЛИК БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ? 5-БЕТ

ХАТОМИ ЁКИ ХИЁНАТ? 7-БЕТ

## Она тилимга

**Абдулла ОРИПОВ,**
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири



*Минг йилларким, булбул каломи*
*Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.*
*Аммо шўрлик тўтининг ҳоли*
*Ўзгаларга тақлид ҳамиша.*

*Она тилим, сен борсан, шаксиз*
*Булбул куйин шеърга соламан.*
*Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,*
*Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...*

Миннатдорлик

## Одил суд ва таҳририятдан миннатдорман

*МЕН 2018 йилдан буён ўзимни қийнаб келаётган низоли масала юзасидан "Инсон ва қонун" газетасига мурожаат қилдим. Мазкур масалада таҳририят ходимлари менга тўғри йул кўрсатишди.*

*Бундан ташқари, мурожаатим асосида журналист суриштируви ўтказилди. Низоли иш эса Нурафшон туманлараро маъмурий судида кўрилди. Суд мажлисида таҳририят вакили ҳам иштирок этди. Натижада суд менинг фойдамга қарор чиқарди, яъни ишим ҳал бўлди. Бинобарин, адолат ва ҳақиқат тарозисини маҳкам тутган одил суд ва таҳририятга миннатдорлик билдираман. Адлия вазирлигининг нашри "Инсон ва қонун" мухбирларининг ишларига омад тилайман.*

**Нодир ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Юнусобод тумани, Ҳасанбой маҳалласи,**
**Улуғбек кўчаси, 32-уй.**

2-БЕТ

# ҒУРУРИ ҒЎРНИНГ

## пешонаси шўр бўлади

ОТАМ нафақадаги ўқитувчи. Мактабда "Ўзбек тили ва адабиёти" фанидан дарс берган. Бундан икки йил аввал — 2019 йил 21 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаганимда ҳамда ўша куни "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланганда бу хушхабарни биринчи бўлиб дадамга етказгандим. Шунда у киши роса севинганди. Негаки, Юртбошимизнинг ташаббуси билан амалга оширилган бу эзгу иш она тилимизнинг нуфузини тоғлар қадар юксалтирганди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг "Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли қўшиқларига қулоқ тутсин", деган сўзлари ва янги Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни", дея белгиланган ҳамюртларимиз қалбига фахру ифтихор туйғуларини олиб кирганди.

Агар тарих солномаларини варақласак, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асари ёки ҳазрат Алишер Навоий туркий тилда 26 мингдан ортиқ сўз қўллаб, шеърият мулкининг султонига айлангани ҳам тилимизнинг нечоғлик теран илдизга эга эканлигини англатади. У ёғини сўрасангиз, улуғ рус шоири А.С.Пушкин ҳам ўз ижодида Навоий ҳазратларидан 5 минг кам — 21 минг та сўздан фойдаланган. Абдурраҳмон Жомий ҳам ўзининг "Баҳористон" асарида "...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди", дея эътироф этган. Ёхуд дунёнинг манаман, деган давлатларида буюк мутаффаккиримизнинг бой маънавий мероси чуқур ўрганилиши ҳамда у кишига ҳайкал қўйиб, ҳурмат бажо келтирилиши ҳам халқимизга, унинг тилига бўлган юксак эҳтиром белгиси эмасми? Ёки минглаб хорижлик олим ва мутахассисларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқини айтмайсизми?

Шу ўринда кичик бир мисолни келтираман. Бундан ўн тўрт йил илгари япониялик олим (айни пайтда Чибу университети профессори) Сейка Вазаки бизнинг қишлоғимизга — Поп туманининг Санг қишлоғига келиб, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимиз бўйича тадқиқот олиб борганди. Ундан аввал эса Сейка ўзбек тилини ўрганган экан. Ҳамқишлоқларимиз уни тўю тантаналарга, ҳайиту байрамларга, турли маросимларга таклиф қилишади. Кўпчилик у билан дўстлашади. Тарих фани ўқитувчилари унга Ватанимизнинг бой ўтмиши, қадимий анъаналари ҳақида сўзлаб беради ва этнографик маълумотларни тақдим этади. Президентимиз томонидан 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни", дея эълон қилинганда эса Сейка Вазаки ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан халқимизга ўзбек тилида видеотабрик йўллади. Бу табрик ўшанда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг веб сайтида эълон қилинди.

Эътироф этиш керак, бундан беш йил аввал Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Айни пайтда минглаб ёшларимиз мазкур университетда она тилимизнинг сир-асрорларини ўрганиш баробарида унинг жаҳон миқёсидаги нуфузини юксалтириш мақсадида изланишлар олиб бормоқда. Миллий адабиётимизнинг нодир дурдоналарини турли хорижий тилларга таржима қилиб, юртимиз довруғини, тилимиз латофатини дунёга таратиш уларнинг эзгу мақсади.

Аммо айрим юртдошларимиз ёки корхона, ташкилот, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳали-ҳануз тилимизга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, унинг қоидаларини бузиш ҳоллари кўзга ташланмоқда.

> Буни Юртбошимиз ҳам ўз маърузасида: "Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак хато бўлмайди. Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топономик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради", дея алоҳида таъкидлади.

Чиндан ҳам айрим кўчаларда юрсангиз, бинолар пештоқидаги номлар, реклама ва эълонларни кўриб, нафсониятингиз қўзийди. Айниқса, "OPEN", "Supermarket", "Bear Hous", "Alkomarket", "EVOS", "Business centre", "Family shop", "Салон красоти", "Мы открылись", деган ёзувлар фақат меҳмонлар учун ёзилгандек. Ахир, АҚШ ёки Россияга борсангиз, "Supermarket"ни "Катта бозор", "Alkomarket"ни "Ароқ-вино дўкони", "Салон красоти"ни "Гўзаллик салони", "Мы открылись"ни "Биз очилдик", дея ёзиб қўймайди-ку!

Ўтган ҳафтада дам олиш куни зарар юмуш билан Наманган шаҳрига бордим. Шунда шаҳарнинг машҳур "Чорсу" меҳмонхонаси пештоқидаги ёзув эътиборимни тортди. Яъни, "Отель ЧОРСУ", деб ёзиб қўйишибди. Энди ўзингиз ўйланг, бу ўринда нақд иккита тил қоидаси бузилаяпти. Хусусан, инглиз тилидаги сўз крилл алифбосида ёзилган. Энг муҳими, бу бино қандай бино эканлиги хорижий тилда ёзилгану, аммо ўзбек тилида "меҳмонхонаси" дея қўшиб қўйишни "унутишган" наманганлик масъуллар.

Айниқса, мен баъзи эстрада хонандаларининг ўзбек тилида қўшиқ айтиб, мулоқот жараёнида эса русча гапиришидан жуда хафа бўламан. Ахир, улар она тилимизда айтган қўшиғи туфайли "эстрада юлдузи" даражасига етмадими? Ёки ўзини маданиятли санаган айрим юртдошларимиз ўзбек бўла туриб, оилада яқинлари ва фарзандлари билан рус тилида гаплашади, телевидение ёхуд радиога рус тилида интервью беради. Уларни-ку қўя турайлик. Ўзимиз-чи, ўзимиз? Оғзаки нутқда Ички ишлар вазирлигини "МВД", пойтахт ички ишлар бош бошқармасини "ГУВД", пойтахт туманлари ички ишлар бошқармаларини "РУВД", вилоятлар ички ишлар бошқармаларини "УВД", туман, шаҳар ички ишлар бўлимларини "райотдел", "горотдел", йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ёки йўл-патрул хизмати ходимини "ГАИ", профилактика инспекторини "участкавой", бекатни "остановка", айланма йўл ёки ҳалқа йўлини "кольцовой", кўп қаватли уй йўлагини "подезд", ахлат ва чиқиндини "мусор", деймиз. Нега энди бу ном ва сўзларни ўзбек тилида гапирмаймиз?

Собиқ Иттифоқ даврида ўша биз "ЗАГС", деб атайдиган идоранинг русийзабон ходимлари томонидан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларга ўз тилига мослаб ёзилган "Джураев", "Джумаев", "Иргашев", "Ишметов", "Ходжаев", "Аҳмеджанов", "Ибрагимов", "Газиев", "Мухамеджанов" каби фамилиялар жуда кўпки, негадир ўша исм-шариф соҳиблари бу хатони тузатишни истамайди. Яна бир ачинарли ҳолат шундаки, айрим ҳамюртларимиз хорижга ишга кетаётганлари боис ФҲДЁ бўлимларидан ёхуд ИИБ хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларидан "Қосимов", "Бозоров" "Эшматов" каби фамилияларини "Касымов" "Базаров", "Ишметов" тарзида ўзгартириб беришни сўрашади. Ахир, фамилия ёки исмнинг ўзбек тилида эканлиги хорижий мамлакатда фуқаронинг бирор бир ҳуқуқини чекламайди-ку!

> Яна бир афсусланарли гап. Жорий ўқув йилида мактабларда "Она тили" фанини ўқитиш 2,5 фоизга қисқартирилди. Бу тилимизнинг нуфузини ошириш борасидаги ишларга зид эмасми?

Энг ачинарлиси, инглиз ёки рус тилини синхрон таржимонлардек билган ёшлар ўзбек тилимизни у қадар билишмайди. Ҳатто, она тилимизда гаплашишни исташмайди. Агар улар билан бирма-бир суҳбатлашилса, айни фикрларимизга амин бўласиз.

Куни-кеча таниш бир ўқитувчи билан шу ҳақда суҳбатлашар эканман, ўша устоз мактабларда инглиз ва рус тиллари 2 та гуруҳга бўлиб ўқитилгани ҳолда ўз она тилимизни шундай усулда ўқитиш ўрнига 5-синфда 3 соат, 6, 7, 8, 10 ва 11-синфларда эса 1 соатдан қисқартирилганидан хафалигини, бундан жуда кўп ўқитувчилар норози эканлигини билдирди.

Шундай экан, она тилимизни ўқитишни қисқартириш эмас, аксинча, кўпайтиришимиз зарур.

— Тўғри, вазирликнинг фикрига асосан бола учун айрим мавзуларнинг кераги йўқдир. Бироқ ўша мавзулар бежизга киритилмагандир дарсликларга, — дейди ўқитувчи. — Шу билан бирга, ўзбек тилини ўқитаётган устоз синфда 30-35 та, ҳатто 40 нафарлик ўқувчининг диктантини текшириб чиқади. Инглиз ва рус тили фани ўқитувчилари эса 15-20 нафар боланинг вазифасини кўздан кечиради.

"MA'RIFAT" газетаси бош муҳаррири Хусан Нишоновнинг таъкидлашича, айни масала беш йилдан буён газетада кўтариб келинади. Аммо ҳанузгача ижобий натижа бўлмаган.

Шундай экан, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган Вазирлар Маҳкамаси тузилмасидаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти ходимлари давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, хусусан тил қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, давлат тилининг амал қилиши ва ўқитилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга оид ишларни янада кучайтиришса, янги ташкил этилган Атамалар комиссияси эса тилга олингани каби муаммоларга чек қўйишса, жуда яхши бўларди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустаҳкамлаш бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз зарур.

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

# СУД-ХАТШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ЎТКАЗИШНИНГ МУРАККАБЛИГИ НИМАДА?



СУД-хатшунослик экспертизаси — криминалистик экспертизаларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни очишга имкон беради. Унинг ёрдамида дастлабки тергов ва суд органлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича аҳамиятли бўлган шарт-шароитларни аниқлайдилар. Ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишнинг қийинлиги одамнинг ёзув-ҳаракат кўникмалари ўта мураккаб ташкилий ва руҳий-физиологик асосга эгалиги, тадқиқотларнинг бевосита объектлари бўлган қўлёзма матнни бажариш жараёни эса бирданига бир неча ички ва ташқи омиллар таъсирида кечиши билан боғлиқ. Хатшунослик соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар доимо эксперт-хатшунос ҳал этадиган саволлар қамровини кенгайтиришга имкон беради.

Жиноий ишларни дастлабки тергов ва судда кўриш жараёнида ашёвий далил сифатида иш бўйича кўпинча тўпланган ҳужжатлардаги ёзув ва имзоларни бажарган шахсни ёки айрим ҳолларда, муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу ёзув ва имзоларни бажариш шароитларини аниқлаш муаммоси юзага келади. Бу турдаги ҳолатлар, айниқса, ҳар хил пул-тўлов ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан жамоа ва давлат мулкини талон-тарож қилган шахслар айбини исбот қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролик даъво ҳужжатларининг (масалан, тилхат, васиятнома ва бошқалар) ҳақиқийлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолларда ҳам хатшунослик экспертизасининг аҳамияти каттадир.

Хатшунослар турли қўлёзма ёзувлар, рақамли белгилар, ҳужжатлардаги имзоларнинг бажарувчиси ҳақидаги маълумотларни ва ҳужжатнинг тузувчисини аниқлайдилар, фуқаровий даъволарни кўриб чиқишда, жиноятнинг олдини олиш ва очишда аҳамиятга эга бўлган турли ҳужжатларни тузиш (ёзиш шароити, ёзувчининг ҳолати) билан боғлиқ бўлган бошқа ҳақиқий маълумотларни аниқлашга ёрдам берадилар.

Суд хатшунослик экспертизасининг предмети эксперт томонидан, фақат унинг ваколатларига тегишли фактларни аниқлашни назарда тутади. Ушбу ваколатлар идентификацион ва ноидентификацион турдаги саволлар мажмуи билан қатъий равишда чегаралланган бўлиб, ушбу саволлар суд хатшунослигида мавжуд мос ҳолдаги илмий ишлаб чиқилган ва тажрибада синалган тадқиқот методларини қўллаш орқали аниқ ҳал этилади. Шунинг учун, экспертиза тайинлаш ҳақидаги суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажримини олгандан сўнг, эксперт, биринчи навбатда ўз олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар моҳияти билан танишиши зарур.

Хатшунослик экспертизаси айнан ва айнан бўлмаган масалаларни ҳал этади. Аниқ қўйилган саволлар билан танишиб чиқиб, эксперт тадқиқот мақсади ва чегараларини аниқлаб олади. Эксперт-криминалист ушбу ҳолатда, суд-хатшунослик соҳасидаги мутахассис олдига суриштирувчи, терговчи ва судья қўйган саволлар унинг ваколати доирасидан чиқадиган бўлса, уларни ҳал этишдан бош тортиши керак. Агар саволларнинг бир қисмини ҳал этиш учун бошқа соҳа мутахассислари керак бўлса, унда ҳар томонлама экспертиза ўтказиш зарур. Бунда, ёзув экспертизаси ҳужжатнинг ташқи кўриниши бузилиши мумкин бўлган тадқиқотдан аввал ўтказилиши лозимлигини ҳисобга олиш лозим.

Хатшунос эксперт тадқиқот жараёнида қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин:

- шубҳали қўлёзмани текширилаётган шахсларнинг қайси бири бажарган;
- текширилаётган қўлёзмалардан қайси бирини шубҳали шахс бажарган;
- шубҳали қўлёзмани бир шахс бажарганми ёки турли шахсларми;
- қўлёзма одатдаги ёки ғайриодатий ҳолатда бажарилган. Агар одатий бўлмаса, унда қайси ҳолатда;
- қўлёзма атайлаб ўзгартирилган ёзув билан бажарилганми;
- шубҳали қўлёзма бирор-бир шахснинг ёзувига ўхшатиб бажарилганми;
- қўлёзма жисмоний толиққан, руҳий ҳаяжон, оғир касаллик ёки алкоголь истеъмол қилган ҳолатда бажарилганми;
- қўлёзманинг бажарилган вақти;
- қўлёзмани эркак ёки аёл бажарганми?

Бундан ташқари, эксперт олдига бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Ҳужжатнинг ижрочиси ва унинг муаллифини аниқлаш билан боғлиқ саволларни ҳал этиш учун гумон қилинаётган шахсларнинг ёзув намуналарини танлаш керак.

Таққослаш тадқиқотига танлаб олинган хатнинг намуналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

Мустақил бажарилганлиги. Ёзма нутқ ва ёзув намуналари сифатида танланган (қўлёзма) ҳужжатлар текширилаётган шахс томонидан ёзилган ва сунъий равишда киритилган ўзгаришлар бўлмаслиги керак. Ёзма нутқ намуналари текширилаётган шахснинг ижодий иши бўлиб, улар услуб, грамматик ва мазмун нуқтаи назаридан бегона шахсларнинг таъсирига тушмаган бўлиши лозим.

Ҳужжатнинг бажарувчисини айнанлаштириш (аниқлаш) учун ёзувнинг эркин ва эксперимент-ал намуналари яроқлидир. Чап қўл ва босма ҳарфлар билан бажарилган ҳужжатлар тадқиқотига умумий тартибда ва оддий шароитда бажарилган эркин намуналар билан бирга, тадқиқ этилаётган ҳужжат бажарилган усулда бажарилган тажрибавий намуналар ҳам тақдим этилиши керак.

Тажрибавий намуналар олиш учун тадқиқот жараёнида ёзилишини текшириш мақсадида ўзига хос алоҳида сўзлар ва жумлалардан иборат махсус матн тузилади. Намуналарни танлаш иложи борича бир неча бор ўтказилиши керак.

Ёзув намуналарининг ҳажми. Умумий қоидалар бўйича, ёзма нутқ ва ёзув намуналари етарли айнанлаштирувчи индивидуал комплексга эга аломатларнинг турғунлигини текшириш ва аниқлашга имкон берадиган бўлиши керак. График ва лексик материалларнинг таққослаш тадқиқотига етарлилиги ва яроқлилиги, биринчи навбатда, нафақат сони ва сифатига, балки бажарувчи ҳамда муаллифнинг ёзма нутқ кўникмалари ва график ўзига хослиги унда аниқ акс эттирилганлигига ҳам боғлиқ.

Эркин намуналарнинг бажарилиш вақти. Таққослаш тадқиқотига танлаб олинган ёзув намуналари, тадқиқ этилаётган ҳужжатнинг ёзилиш вақтига иложи борича яқин ёзилган бўлиши керак.

Имзоларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш тадқиқотида таққослаш намуналарини танлаш баъзи бир ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хослик ҳужжатнинг вазифасига боғлиқ бўлиб, имзо юқори ёки кичик пухталик билан бажарилиши, ўзига фамилиянинг кўпроқ ёки камроқ ҳарфларини олиши мумкин. Шунинг учун бошқа шахс томонидан имзолар бажарилганда, улардан пухталик билан ва пала-партиш бажарилган ҳар хил хусусиятга эга бўлган ҳужжатдаги имзолар эркин намуналарининг тўлиқ ва қисқартирилган тажрибавий имзолари олиниши керак.

Кўрсатилган эркин ва тажрибавий намуналар имзонинг қалбакилаштирилганлиги ёки йўқлиги, имзонинг қалбакилаштириш усули ва гумон қилинаётган шахс томонидан қалбакилаштириш бажарилганлигини аниқлашга имкон беради.

**Наргиза СОЛИЕВА,**
**Х.Сулаймонова номидаги РСЭМ лаборатория мудири,**
**Жамшид МАМУРОВ,**
**Наманган вилоят суди судьяси**

***ЧИНДАН ҳам ўқиган билан уққаннинг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Ёд олишнинг йўриғи ҳам шундай. Шеър ёки насрий битикларни шариллатган кўйи ёддан айтганларнинг бариям унинг мағзини чақиб, маъно-мазмунини идрок этавермайди.***

# МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ

## неча ёшдан бошланса самаралироқ бўлади?

Ўқилаётган матн ёки айтилаётган сўзнинг маъносини англаш мактабларнинг бошланғич синфларида ўқиётгган ўғил-қизлар учун энг муҳим зарурат. Шунинг учун ҳам бошланғич таълимни барвақт бошлашнинг аҳамияти катта. Жаҳондаги аксарият давлатларнинг таълим тизими ҳозирда ана шу муаммони бартараф этиш билан шуғулланаяпти. Бунинг учун ҳалқаро услубият ҳам шаклантирилган. У матнни ўқиш ва уни тушуниш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқот услублари лойиҳаси (PIRLS — "Ўқиш саводхонлиги") номи билан аталади. Атама ўқиш тезлигига эришишни эмас, балки "саводли ўқиш"ни назарда тутади. Унга кўра, ўқувчи матн маъносини англамоғи, уни мушоҳада эта билмоғи, мазмунини баҳолаш салоҳиятига эга бўлмоғи, унга оид фикрини ҳам баён қила олмоғи зарур. Бунга эришмоқ учун ўқувчига турли матнларни, бадиий асарлардан парчалар, айримларнинг таржимаи ҳоллари, шахсий хатлари, ҳужжатлар, газета ва журналларда чоп этилган мақолалар, йўриқномалар, реклама материаллари, жўғрофик хариталар, атамалар ва уларнинг мазмун-моҳиятига оид саволлар топшириқлар, ахборотлар, диаграммалар, жадвал ва чизмалар тақдим қилинади.

PIRLS усулидаги тадқиқотлар ёрдамида турли таълим тизимига эга бўлган давлатлардаги китобхонлик сифати ва даражаси, унинг мониторингига оид маълумотлар ўрганилади. Шу йўсиндаги тадқиқотлар 2001 йилдан бошлаб ҳар 5 йил оралиғида бошланғич таълим жабҳасида ўтказиб келинаяпти. Ушбу лойиҳа ўтган йиллар мобайнида халқаро тадқиқотлар орасида ўзига муносиб ўрин тутди. Унда қатнашаётган давлатлар сони муттасил ортаяпти. 2016 йилги тадқиқотлар 50 та давлатни қамраб олди. Бу қатнашувчи мамлакатлар сони яна 15 тага кўпайганидан далолат беради.

Эслатиш жоиз: шу йўсиндаги тадқиқотлар жараёнида умумтаълим мактабларининг 4-синфида таҳсил олувчи фарзандларнинг матнни мутолаа қилиш сифати, салоҳияти, уни тушуниш даражаси ўрганилади. Тадқиқотлар учун 4-синф ўқувчиларининг танланиши бежиз эмас.

Юр юзи мамлакатларининг мактаб таълими дастурлари бир-биридан анча-мунча фарқланишини ҳам назарда тутмоқ даркор. PIRLS стандарти бўйича тадқиқот ўтказувчи ташкилотлар турли мамлакатлар ўқувчиларининг билими даражаси ўртасидаги ана шу номутаносибликни барҳам топтириш, жаҳон ёшлари катта ҳаётга мактабларни бирдай билим билан тугаллашига эришишдек муҳим ва долзарб вазифани кун тартибига қўяётгани бежиз эмас. Бундай олийжаноб ният катта тараққиёт айёми — 3-ренесеанс сари дадил ҳаракатланаётган жонажон Ўзбекистонимиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Айни кездаги таҳлилларга келсак, ҳали унинг якунлари билан мақтанишга эрта. Негаки, бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг билим даражаси ҳар мамлакатда ҳар хил. Бунинг сабаби дунёнинг кўпгина давлатларида мактаб таълими ҳар хил ёшдан бошланишига бориб тақалади. Чунончи, аксарият мамлакатларда таълим бола 6 ёш, Буюк Британия ва Янги Зеландияда эса 5 ёшлик чоғида бошланади. Шунинг учун ҳам матнни ўқиш ва уни тушуниш қобилиятини аниқлашга қаратилган лойиҳанинг объекти сифатида 4-синф эмас, балки 5-синф ўқувчилари танланган. Қоидага кўра, ана шу синф таълим дастури асосида таҳсил олган ва ёши 10,5 га етган ўқувчиларнинг матнни ўқиш ва тушуниш қобилияти текширилади. Шарқ мамлакатларида вазият бир мунча бошқача. Ушбу минтақада таълимга ёши 7 га тўлганлар жалб қилинади. Бу эса PIRLS тадқиқотларини бошқа мамлакатлардагидек 10,5 эмас, балки 10,7-10,9 ёшли болалар ўртасида ўтказишни тақозо этади.

Болани бошланғич таълимнинг илк палласидаёқ мавжуд зиё масканлари — кутубхона — ахборот-ресурс марказлари томон бошлаб боришнинг аҳамияти эса беқиёс. Китобни ёшлигиданоқ ўзига ошно тутган бола илм чўққиларини эгаллайди. Китоб ўқиган, унинг мағзини чақа олган фарзанд илм бобида ҳам пешқадам эканлигини унутмаслик даркор.

**Дилдора НИЁЗМАТОВА,**
**Урганч шаҳар Халқ таълими бўлими услубчиси,**
**Дилрабо СОБИРОВА,**
**Урганч шаҳридаги 11-сонли мактаб ўқитувчиси**

***БУНДАН 3 йил аввал, айнан шу куни — 2018 йил 13 апрелда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниб, унга мувофиқ республикамизнинг барча — 200 та туман ва шаҳарларида адлия бўлимлари ташкил этилганди. Бу эса ҳамюртларимизнинг вилоятлар марказига юзлаб чақирим йўл босиб ўтирмай, уларнинг ҳуқуқий муаммоларини ортиқча оворагарчиликсиз ҳал этишга имкон берди.***

# АДЛИЯ БЎЛИМИ:

## МУАММОЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛСА, ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

Шу маънода айтганда, Наманган вилоятида 13 та адлия бўлими ўз фаолиятини бошлаганди ўшанда. Ўтган қисқа вақт мобайнида эса адлия бўлимлари аҳолининг ишончига тўла сазовор бўлди, десак янглишмаймиз. Боиси, ҳар қандай муаммо жойида аниқланиб ҳал этилиши, шу орқали адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислоҳотлар самарадорлигига эришилиши лозим.

Мазкур бўлимларнинг ўз вазифасини астойдил бажараётганини билиш учун айрим рақамларга назар ташласак. Вилоятимиздаги адлия бўлимларига 2018 йилдан то ҳозирги кунга қадар 8712 та мурожаат келиб тушгани ҳолда уларнинг 7074 таси қаноатлантирилди. Шу билан бирга, судларга 2371 та, 13 миллиард 622 миллион 93 сўмлик даъво аризаси киритилди. Қолаверса, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилган жами ҳуқуқий тарғибот ишларининг 28.976 таси айнан адлия бўлимлари ҳиссасига тўғри келади. Энг эътиборлиси, жамиятда мавжуд ёки такрорланиб келаётган муаммоларни уйма-уй юриб ўрганишга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Айниқса, жорий йилнинг якунланган биринчи чораги мобайнида маҳаллабай иш тартибига ўтиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан биргаликда аҳолининг муаммолари ўрганилиб, баъзи юртдошларимизни "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"дан чиқариш ижобий самара бермоқда.

Бундан ташқари, адлия бўлимлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ҳар ҳафтада ўтказиладиган "ҳокимлик соати"да ҳудуддаги рахбарларга кўргазмали тарзда тушунтириш ва етказиш амалиёти йўлга қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, ўтган қисқа вақт мобайнида Адлия вазирлигининг таклиф ва ташаббуслари туфайли адлия бўлимларининг ўз тумани, шаҳарида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатидаги мавқеи тобора юксалиб бормоқда.

**Улуғбек ИСМАТИЛЛАЕВ,**
**Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари**

# БАНКНИНГ БАҲОНАСИ КЎП...МИ?

***ФУҚАРО Миршоҳид Неъматовнинг АТ "Халқ банки" томонидан чорвачиликни ривожлантириш учункредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб қилган оғзаки мурожаати Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.***

Мурожаатни ўрганиш чоғида Бухоро шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказининг 2020 йил 9 декабрдаги хулосасига асосан М.Неъматовга чорвачиликни ривожлантириш учун 30 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши белгиланган.

Бироқ турли важлар билан кредит ажратилиши пайсалга солинган. Марказий банк Бухоро вилояти бош бошқармасининг 2021 йил 20 январдаги жавоб хатида ҳам Президентимизнинг 2019 йил 24 октябрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиши борасида керакли ҳужжатлар АТ "Халқ банки" Бухоро шаҳар филиалига қабул қилиниб, 3 банк иш куни мобайнида кредит ажратилиши маълум қилинган. Аммо белгиланган муддатда кредит ажратилмаган.

Шаҳар адлия бўлими аралашуви билан АТ "Халқ банки" Бухоро шаҳар филиалининг 2021 йил 5 февралдаги 1-сонли мемориал ордери билан фуқаро М.Неъматовга 30 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

**Абдураҳимхўжа БАФАЕВ,**
**Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи**

# Бонухон ва Дониёрбекнинг ТУҒИЛГАНЛИГИ беш йилдан сўнг қайд этилди

***БЕРУНИЙ туман адлия бўлими томонидан туман марказидан олисда жойлашган "Бийбозор" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган сайёр қабулда фуқаро Ф.Курбонбоев ҳам ўз муаммосини ечишда ёрдам сўраб мурожаат қилди.***

Айтишича, у ҳаётида кўп қийинчиликларга дуч келган. 2014 йилда жазони ўтаб келиб, Хотира исмли аёлга уйланган. 2015 йилда фарзанди Бонухон, 2016 йилда эса ўғли Дониёрбеклар туғилган. Бироқ оиланинг моддий аҳволи яхши эмаслиги туфайли шу кунга қадар фарзандларига туғилганлик гувоҳномаси ололмай келган. Фуқаро тегишли идораларга бир неча бор мурожаат қилганлигини, лекин фойдаси бўлмаганлигини айтди.

Туман адлия бўлимининг ёрдами билан Ф.Курбонбоев фарзандларининг 2015 йил ва 2016 йилда туман тиббиёт бўлимида туғилганлик ҳолатлари аниқланди ва шу даврдаги архив маълумотлари тикланди, туғилганлик ҳақидаги тиббий маълумотлар қайта олиниб, туман ФҲДЁ бўлимига ҳужжатлар топширилди. Қисқа муддатда унинг фарзандларига туғилганлик гувоҳномалари олиб берилди.

**Усмонжон АТАДЖАНОВ,**
**Беруний туман адлия бўлими бошлиғи**

# 65 НАФАР ХОДИМГА қўшимча тўловлар ундириб берилди

***Паркент туман адлия бўлими ходимлари томонидан туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида "Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда" мавзусида мониторинг олиб борилди.***

Мониторинг натижасида туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими томонидан Президентимизнинг 2020 йил 24 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора -тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг худди шу санадаги "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижроси лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимининг 65 нафар ходимларига иш ҳақига ҳар кунлик 6 фоиз қўшимча тўловлар ҳамда меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган лавозим маошига 35 фоиз қўшимча моддий рағбатлантиришлар тўланмаганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан аниқланган мазкур ҳолат бўйича 65 нафар тиббиёт ходими манфаатини қўзлаб Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддаси 5-бандига асосан, яъни ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирчиқ туманлараро судига ариза киритилиб, 65 нафар ходимга 141 миллион 877 минг 535 сўм миқдорида қўшимча тўловлар ҳамда моддий рағбатлантиришлар ундириб берилиши таъминланди..

**Ғ. ИЗБАСАРОВ,**
**Паркент туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси**

# Буюртмачининг БУЙРУҒИ БАЖАРИЛГАН АММО...

***ПАЙАРИҚ туман адлия бўлимига туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган "SHUNQOR AXMEDOV" хусусий корхонаси раҳбари Б.Сулаймонов мурожаат қилиб, Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси билан 2018 йил 23 июнда тузилган пудрат шартномалари талаблари буюртмачи томонидан бузилганлиги боис, ундан 129 миллион 067 минг 547 сўмлик асосий қарз маблағини ундирилишида амалий ёрдам беришни сўраган.***

Аниқланишича, вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси ва "SHUNQOR AXMEDOV" хусусий корхонаси ўртасида 2018 йил июнь ойида тузилган пудрат шартномалари асосида Пайариқ туманида жойлашган 38-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида 2 миллиард 16 миллион 841 минг 757 сўмлик ҳамда "Халкобод" МФЙ "Эшимоқсоқ" қишлоғидаги "Эрназарқўрғон" эмлаш пунктида 417 миллион 071 минг 016 сўмлик реконструкция ишларини бажариш белгиланган.

Пудратчи ташкилот томонидан шартнома шартлари ижроси тўлиқ таъминланиб, мазкур объектлар реконструкция қилиниб, далолатномага асосан 2018 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида фойдаланишга топширилган.

Буюртмачи ва пудратчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, кафолат муддати ўтганлигига карамасдан буюртмачи ҳанузгача пудратчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига муддати ўтган 129 миллион 067 минг 547 сўмлик асосий қарздорликни тўламасдан шартнома шартларини бузган ҳолда, пудратчи томонидан берилган талабномаларни инобатсиз қолдириб, муддати ўтган асосий қарздорликни бартараф этмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан, "SHUNQOR AXMEDOV" хусусий корхонасининг қонуний манфаатларини кўзлаб туман адлия бўлими томонидан Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъво аризаси киритилди ва суднинг ҳал қилув қарори билан Инжиниринг компанияси ҳисобидан хусусий корхона фойдасига 129 миллион сўмдан ортиқ асосий қарз ва 8 миллион сўмдан зиёд пеня маблағи ундирилиши белгиланди.

**Иброҳим МУЗАФФАРОВ,**
**Пайариқ туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси**

***ДУНЁДА шундай шарафли ва масъулиятли соҳа, касблар ҳам борки, бундай касб эгалари ўз вазифасига киришиш олдидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонун олдида содиқ қолишини тантанавор равишда қасамёд қилади. Бундай касбнинг ўзига хос яна бир муҳим жиҳати ҳам шундаки, тайинланган ёки сайланган шахс то қасамёд қабул қилмагунча зиммасидаги ваколатни адо этишга кириша олмайди.***

# АДВОКАТЛИК ҚАСАМЁДИГА СОДИҚЛИК

## БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Қонун тили билан айтганда, қасамёд қабул қилинган кундан, ўша дақиқадан бошлаб расман ваколатни бажаришга киришилади. Ҳам тарихан, ҳам бугунги кун замон талабларидан келиб чиқиб қараганда, ана шундай муқаддас ва обрўли соҳалардан бири бу адвокатлик касбидир.

Шу маънода, ривожланган давлатларнинг илғор ютуқ ва тажрибасини инобатга олган ҳолда кейинги йилларда жамиятимиз ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётида адвокатура институтининг мавқеи ҳамда ролини кучайтириш, ҳар қандай босқичда ҳам ҳимоя ва айбловнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, адвокатурани янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда унинг обрў-эътибори ва аҳамиятини ошириш йўлида муҳим демократик ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлардан бири сифатида суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш, адвокатурани мустақил, ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантириш, малакавий юридик ёрдам сифатини ҳамда адвокат касбининг нуфузини ошириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ихтисослашган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш белгиланган.

БМТнинг 1990 йил август ойида ўтказилган 8-Конгрессида қабул қилинган "Адвокатлар ролининг асосий қоидалари" ҳам ушбу йўналишдаги асосий универсал халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, "Адвокатлар ролининг асосий қоидалари" адвокатнинг адвокат сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умумэътироф этилган юриш-туриш қоидаларини, профессионал фаолиятда ишда ва хизматдан ташқари вақтларда нималарга амал қилиши керак-лигини, адвокатурани ишончли ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлантиришда давлатлар қандай чора-тадбирларни кўриши зарурлигига оид минимал стандарт қоидаларини белгилаб беради.

Энг муҳими, мазкур ҳужжат барча давлатларни инсон ҳуқуқларининг таъсирчан ҳимоясини таъминлашда адвокатурани ривожлантириш ва адвокатларнинг ролини оширишда баҳамжиҳатликда дадил илдам қадам ташлашга, ўз миллий қонунчилигини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда ушбу қоидаларга бирдек амал қилишга, қолаверса, ўз навбатида, адвокатларни, судьяларни, прокурорларни, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти вакилларини ҳам қоидаларда белгиланган принципларни ҳуқуқ амалиётида татбиқ этиб боришга чақиради.

Жумладан, қоидаларда қайд этилишича, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш учун ўз танловига кўра ҳар қандай суд инстанциясида адвокатга мурожаат қилишга ҳақли. Ҳукумат фуқароларнинг ирқи, миллати, дини, тили, миллати, этник келиб чиқиши ёки бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ҳар кимга адвокат хизматидан фойдаланишнинг тенг ва ишончли механизмини яратиб-гина қолмасдан, уни амалда таъминлаши керак. Айниқса, Ҳукумат камбағал ёки ижтимоий жиҳатдан ёрдамга муҳтож фуқаролар учун адвокатлардан фойдаланишини таъминлайдиган барча зарур молиявий ёки бошқа ресурсларни жорий этиши зарур.

Бунда адвокатлар ассоциациялари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу тузилмани кенг жамоатчилик билан яқин ва самарали мулоқотини йўлга қўйиш муҳим саналади. Жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки ушланган шахслар тезда, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам 48 соатдан кўп бўлмаган вақт ичида адвокат билан таъминланиши талаб этилади.

Шунингдек, адвокатлар ассоциациялари ва таълим муассасалари ушбу йўналишда асосий эътиборни адвокатларнинг касб-этикаси қоидаларини, инсон ҳуқуқларига оид билим ҳамда малакасини миллий ва халқаро қонунчиликни пухта ўзлаштирган ҳолда яқиндан хабардор этиб боришга қаратишлари лозим.

Давлат адвокатларга ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан шундай шарт-шароит, ҳуқуқ тартиботни яратиши зарурки, бунда ҳуқуқ ҳимоячилари ўз касб мажбуриятларини ҳеч қандай қўрқувсиз ва ташқи таъсир омилларисиз мустақил бажариши, ана шундай қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилган ҳолларда фавқулодда ҳолат сифатида қараш, адвокатларнинг касбий фаолиятига нисбатан бирор бир хавф-хатар пайдо бўлдими, ҳокимият ўз ҳимоя остига олиш чораларини кўриши даркор. Суд ва бошқа органлар адвокат ҳуқуқини тан олишни рад қилишга ҳақли эмас.

Шуни айтиш керакки, мазкур ҳужжат нафақат давлатлар олдига, балки адвокатлар зиммасига ўз бурчини ҳалол ва виждонан бажаришда, адвокат қасамёдига содиқ қолишда қатор масъулият ҳамда жавобгарликни ҳам юклайди.

Хусусан, унда белгиланганидек, ҳар бир адвокат ўз касбини доимо муносиби бўлиши керак, суд ва бошқа маъмурий идораларда ҳимояси остидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда бошқа фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларига дахл қилмаслиги, профессионал касб-этикаси қоидаларига амал қилиши, ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳимоя позициясида қатъий туриши лозим.

Бир сўз билан айтганда, "Адвокатлар ролининг асосий қоидалари" жаҳон мамлакатларининг демократик тараққиётига, адвокатура институти ислоҳотлари ривожига катта ҳисса қўшиб келаётганлиги билан бирга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг дахлсизлиги, мустақиллиги ва холислигини таъминлашда, адвокатларнинг жамиятда обрў-эътибори ва нуфузини оширишда концептуал жиҳатдан ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шундай экан, қайси соҳа эгаси бўлмайлик, зиммамиздаги вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришимиз, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек муқаддас ва шарафли касбимизни қадрига етиб, уни асраб-авайлашимиз, бунга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз керак.

Зеро, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонун олдида содиқ қолишни қасамёд қилиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган касб эканлигини асло унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Ҳусан ТУРСУНОВ,**
**Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, юридик фанлар номзоди**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — МАҲАЛЛА ФАХРИ

Мамлакатимизда оила муҳофазасининг қонунчилик асослари мустақиллик йилларида мукаммаллашди. Қурилажак оила ташкил топган пайтданоқ ҳар томонлама ҳимоя қилиниши ва эркин ҳаёт кечириш учун шарт-шароитга эга бўлмоғи лозим.

Оилани мустаҳкамлаш хусусида фикр юритилганда миллий қонунчилигимиздаги оила муносабатларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий нормалар билан биргаликда жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир оила айнан маҳаллада ташкил топганини инобатга оладиган бўлсак, оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Ҳар қандай фуқаронинг кимлиги, қандай инсон эканлиги, қайси оиланинг фарзанди эканлиги, унинг орзу-истаклари, камчиликлари фақатгина у туғилиб ўсган, истиқомат қилаётган маҳалладаги кишиларга аён. Мустаҳкам оила ғояси ифодасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ном козонган маҳалла тизими фаолиятида яккол кўриш мумкин. Жамоатчилик номидан оиладаги нотинчликни бартараф қилишга кўмаклашиш, энг авалло, маҳалла зиммасига тушади. Маҳалларда ярашув комиссияси бор. Улар кўмагида, кўпни кўрган, барчага намуна бўладиган инсонлар йўл-йўриғи билан ажрашиш ҳолатларига келиб қолган аксарият оилалар сақлаб қолинмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, мазкур комиссиялар ишини фаоллаштириш, уларнинг ФҲДЁ органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш оилавий ажрашишларнинг сезиларли даражада камайишида муҳим омил бўлади.

Шу ўринда бундан 5-6 йил аввал бўлган бир воқеани айтсам. Баҳорнинг ажойиб кунларининг бирида бўлимимизга ёши элликлардан ошган бир аёл неварасининг туғилганлигини қайд этиб беришни сўраб мурожаат этди. Унинг мендан кўзини узмай жилмайиб қараб туриши кимнидир эслатарди. Ким эканлигини эслаб улгурмасимдан аёлнинг ўзи гап бошлади: "Мени эслаяпсизми?"

Ҳа, мен уни эладим. Ўшанда икки ёш никоҳдан ажрашиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган эди. Улардан қачон ва қандай никоҳга кирганликлари, ажрашиш сабабини сўраганимда олийгоҳда бирга ўқишгани, бир-бирига кўнгил қўйиб турмуш қуришганига ҳали 3 ой ҳам бўлмаганини айтишди. Ажрашишга эса жўяли сабаб топиб бера олишмади. Шунда уларнинг гап — сўзларидан англадимки, бу ёшларнинг оддий маиший муаммолар туфайли тушунмовчилиги ва шошма-шошарлиги окибатидир. Ҳали ёш бўлиб, фарзанд кўришлари, иккови бир-бирига мослиги, ҳозир қилаётган ишлари яхшиликка олиб келмаслиги, бир оилани эмас, ўзлари билан қўшиб нақд уч оиланинг парокандалигига олиб келиши тўғрисида иложи борича тушунтиришга ҳаракат қилдим. Чуқур ўйлаб, маҳалладаги ярашув комиссиясига мурожаат этишларини айтдим. Шундан сўнг улар хонадан чиқиб кетишди. Орадан кўп ўтмай бир аёл кириб келди ва ўзини Муҳаррам опа, деб таништириб, ҳозиргина чиқиб кетган куёвнинг онаси эканлигини, қанча насиҳат қилса ҳам улар ўз билганидан қолмай ФҲДЁ бўлимига югуриб келишганини айтиб, нолиганди.

Ҳаёлимни невараси билан келган аёлнинг овози бўлди.

— Сизга каттакон раҳмат, — деди Муҳаррам опа. — Ўшанда сиз бўлмаганингизда бугун неварали бўлиб яна сизнинг ҳузурингизга келишим амримаҳол эди. Сизнинг самимий сўзларингиз, ҳаётий насиҳатларингиз, ёшлар билан тенгдошдек гаплашганингиз туфайли бир оила сақлаб қолинди. Ҳозир келиним билан ўглим аҳил-иноқ яшаяпти…

Муҳаррам опанинг чин дилдан айтган сўзлари кўнглимни тоғдек кўтарган бўлсада, сўнгги йилларда оилавий муносабатларда муаммоларнинг кўпайганлиги, ажримлар ортиб бораётганлиги бир инсон, аёл сифатида мени ташвишга солмоқда. Ҳаётга енгил-елпи қараш, умр савдосини ўткинчи ҳаваслардан устун қўйиш, никоҳ муқаддаслигини тушунмаслик кўпинча оилавий ажримларга олиб келмоқда. Бунда айрим ота-оналарнинг айби бор. Маънавий ва тиббий жиҳатдан ривожланмаган, барвақт оила қурган ёшлар эртаси ҳазон бўлмоқда. Баъзида эса мулкий муносабатларнинг "ўртага" тушиши масалани янада чигаллаштирмоқда. Бугунги кунда эрта никоҳнинг олдини олиш муҳим вазифаларидан биридир. Чунки ҳаёт синовларига тайёр бўлмаган ёшларнинг никоҳ қуришлари кўпинча яхшилик билан тугамаяпти.

Оилавий ажримларнинг олдини олишда нуроний отахон ва онахонларимизнинг насиҳатлари, уларнинг ҳаёт йўллари ибрати бугун ниҳоятда аскотмоқда. Низоли ҳолатларга барҳам беришда, ажрашиш ёқасига келиб қолган оилани сақлаб қолишда уларнинг маслаҳатига таянамиз ва суянамиз. Албатта, бунда бизнинг зиммамизда жуда катта масъулият бор. Ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, никоҳ муқаддаслигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш зарур.

**Саида ИСМАИЛОВА,**
**Яшнобод туман ФҲДЁ бўлими мудираси**

**МАЪЛУМКИ, давлат органлари томонидан ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф амалга оширилишида жамоатчилик назорати институтининг ўрни беқиёсдир. Жамоатчилик назорати орқали давлат органларида коррупция ва манфаатлар тўқнашуви каби ҳолатларнинг олди олинади ҳамда инсон ҳуқуқларига тўлиқ риоя этилиши таъминланади.**

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ РАСМИЯТЧИЛИКМИ?

Албатта, кундалик ҳаётимизда ҳар бир ишнинг ўз қонун-қоидаси мавжуд. Шу маънода айтганда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни ушбу назорат турининг ҳуқуқий асоси саналади.

Таъкидлаш керакки, жамоатчилик назорати институти самарали давлат бошқаруви тизимини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Маъмурий ислоҳотлар концепциясида давлат органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келиши белгиланган. Негаки, бугунги кунда қўплаб давлат органлари ўз фаолиятлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга ижобий нуқтаи назардан қарамайдилар. Шу боис қонун қабул қилинганига икки йилдан ўтган бўлса-да, мамлакатда жамоатчилик назорати тизимини тўлақонли ҳаётга татбиқ этишда айрим тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Масалан, жамоатчилик назорати тадбирларини ўтказишда турли хил тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Бу эса жамоатчилик назорати субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, Қонунда айрим масалаларнинг ҳуқуқий механизми аниқ белгиланмаганлиги сабабли жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини таъминлаш имконини бермаяпти. Ваҳоланки, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ механизмлари қонун ҳужжати билан мустаҳкамланмаса, жамоатчилик назорати фақатгина расмиятчилик учун ўтказилишига олиб келади. Бинобарин, Адлия вазирлиги томонидан бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш, жумладан, жамоатчилик назоратининг ҳар бир шаклини амалга ошириш механизмлари ҳамда тартиб-таомилларини белгилаш, жамоатчилик назоратининг замонавий ва самарали институтларини жорий қилиш бўйича қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада "жамоатчилик мониторинги"ни ўтказиш тартиби, унинг натижаси бўйича тайёрланган ҳужжатни давлат органи томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомиллари, жамоатчилик назоратини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ва бошқа турдаги ҳужжатлар қабул қилинишига йўл қўймасликка оид нормалар назарда тутилган.

Қолаверса, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ва жамоатчилик назоратининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида лойиҳада "жамоатчилик кузатув комиссияси", "жамоатчилик инспекцияси", "жамоатчилик инспектори", шунингдек, "жамоатчилик текшируви" институтларини жорий қилиш бўйича нормалар ҳам киритилмоқда. Хусусан, жамоатчилик назоратининг "жамоатчилик кузатув комиссияси" ташкилий тузилмасининг асосий мақсади имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар, болалар уйлари, "Мурувват" ва "Саховат" интернат уйларида шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини мониторингини амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу институтнинг амалий рўёбга чиқарилиши натижасида ижтимоий ҳимояга ихтисослаштирилган давлат муассасаларида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига тўлақонли риоя этилишига замин яратилади.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги ҳамда унинг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга қолмай, давлат органлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланишига олиб келади.

**Азизбек ДЕҲҚОНОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

# Ишончни оқламаган хусусий бандлик агентликлари

МАЪЛУМОТЛАРГА кўра, дунёнинг турли мамлакатларида ўртача 232 миллион нафар мигрант яшайди. Уларнинг аксарияти сайёрамизнинг шимолий мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади.

Хорижда хусусий бандлик агентликлари рекрутинг агентликлари, деб номланади ва мустақил субъект сифатида корхоналар (иш берувчи)га ҳамда иш қидираётганларга хизмат кўрсатади. Ушбу рекрутинг компаниялари ҳар йили жаҳон миқёсида 8-10 миллион кишини иш билан таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади. Бироқ мамлакатимизда хусусий ташкилотлар томонидан фуқароларни республикамиз ва чет элда ишга жойлаштириш бўйича амалиёт ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Юртимизда меҳнат мигрантлари масаласида йиллар давомида қатор муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Шу маънода кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг қонуний тартибга солиниши ўзига хос бўлган иккита босқични ўз ичига олади:

— биринчи босқич, Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонуни қабул қилингунга қадар бўлган давр;

— иккинчи босқич, "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганидан кейинги давр.

Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликлари ташкил этилишига асосий сабаблардан бири бу — чет элда уюшмаган меҳнат миграциясининг катта оқими мавжудлиги, 2018 йилга қадар қонуний меҳнат миграцияси учун бозор мавжуд эмаслиги ва шу кунга қадар бозор монополлаштирилганлиги эди.

2018 йил 30 ноябрдан ҳозирги кунга қадар 106 та хусусий бандлик агентликлари давлат реестрига киритилган, шундан 12 масига фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш билан шуғулланиш учун лицензия берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда хусусий бандлик агентликларининг 30 таси томонидан бирорта ҳам фуқаро шу кунга қадар хорижий давлатларга ишга юборилмаган. Хусусий бандлик агентликлари фаолият юритиши ишсизликка қарши курашиш масаласида долзарб аҳамият касб этиши билан бир қаторда, сўнгги вақтларда айрим муаммоли вазиятлар ҳам келиб чиқаётганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Эзгу мақсад йўлида ташкил этилган бу каби агентликлар фаолияти якунда ўзини унчалик оқламади. Тан олиш лозим, бугун хусусий бандлик агентликлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётган юртдошларимиз оз эмас. Афсуски, уларнинг аксарияти фирибгарлик қурбонига айланган.

Ўтган давр мобайнида фаолиятини тўғри бошқара олмаганлиги, ўз ташаббуси ёки қонунбузарликларга йўл қўйганликлари учун 65 та хусусий бандлик агентлигининг лицензияси бекор қилинган ва 5 та хусусий бандлик агентлигига жиноят иши очилган.

Маълумот учун: ўтган 2020 йил фуқароларни хорижий давлатларга жўнатиш ваъдаси билан 1080 нафар кишидан 21 миллиард сўм эквивалентдаги маблағни ўзлаштириб юборган "Human" хусусий бандлик агентлиги фаолиятидан жабр чеккан фуқаролар агентлик раҳбари устидан суд жараёни якунларидан қониқиш ҳосил қилмаган ва пуллари қайтарилишидан умидвор бўлиб, Ҳукуматдан бу масалада ёрдам сўраган. Жабрланувчиларнинг пулларини шошилинч суратда қайтариш бўйича Президентимиз томонидан топшириқ берилди.

Қолаверса, бу орада "Recruit Consulting Work", "International experience", "Historical Travel" каби яна бир нечта хусусий бандлик агентликлари раҳбарлари устидан ҳам жиноят ишлари қўзғатилди.

Аслида хусусий бандлик агентликларини ташкил қилишдан кўзланган мақсад — ташқи меҳнат миграцияси тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий шаклларини тубдан кенгайтириш, одам савдоси ва ноқонуний миграциянинг олдини олиш, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига кетаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятига жалб этишни кенгайтириш, бу орқали соҳада монополияга бутунлай чек қўйишдан иборат эди.

Хориж тажрибасига юзланадиган бўлсак, хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг муваффақияти агентлик штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги, иш берувчи компаниялар билан барқарор алоқалар, иш изловчилар ҳақидаги маълумотлар базасининг мавжудлиги, мутахассислар танлаб олишда илғор иш технологияларидан фойдаланиш кабилар билан белгиланади. Хусусий бандлик агентлигининг рақобатбардошлиги унинг ходимлари томонидан таъминланади. Агентликнинг мавқеи унда ишлайдиган мутахассислар даражаси билан белгиланади ва ходимларнинг касбий даражасини доимий равишда ошириб бориш — агентлик ишининг сифатини яхшилаш гаровидир.

**Фирдавс ШАМСИЕВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ томонидан 2021 йил 3 февралда имзоланган "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида божхона органларида самарали бошқарувни таъминлашга қаратилган янгиликлар ўз аксини топди. Яъни, давлат дастурининг 17-бандига мувофиқ, 2021 йил 1 июлдан бошлаб божхона назоратини олиб бориш тартибига оид айрим янгиликлар киритилади. Жумладан, синов тариқасида тоифадан ташқари мақомдаги "Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари" босқичма-босқич ташкил этилиб, божхона расмийлаштируви жараёнлари масофавий бошқарилади ҳамда инсон аралашуви кескин қисқартирилади. Қолаверса, чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текширишни рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.**

# САМАРАЛИ БОШҚАРУВ

## БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ҚАНДАЙ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ?

Қайд этиш жоизки, божхона хизматини ислоҳ қилиш бўйича Жанубий Корея тажрибаси дунёдаги илғор тажрибалардан бири ҳисобланади. Жанубий Корея божхона хизмати интернет тармоғи орқали 87 мингдан ортиқ импорт қилувчилар, экспорт қилувчилар, молиявий ташкилотлар ва транспорт (юк ташувчи) компаниялар билан алоқа ўрнатиб, "бир бекат" тамойили асосида, яъни бир боғланиш сеанси орқали хизмат кўрсатишни йўлга қўйган. Мазкур давлатнинг инновацион ютуқларидан бири бу — божхона расмийлаштирувини тўлиқ электрон шаклда амалга оширилишидир. Бу эса автоматлаштирилган, туну кун ишлайдиган божхона расмийлаштириш жараёнини импорт қилинаётган товарларга нисбатан 1,5 кунга ва экспорт қилинаётган юкларга нисбатан 1,5 соатгача камайтиришга олиб келди.

Божхона хизмати кўламини кенгайтириш, товар олди-сотдисини кўпайтириш ва хавфсизликни таъминлашда божхона органларининг чет элдаги ваколатхоналари муҳим роль ўйнайди. Масалан, Россиянинг федерал божхона хизмати 10 дан ортиқ давлатларда ўз ваколатхоналарини очган. Шундан келиб чиқиб, мавжуд штатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг чет элдаги ваколатхоналарини дастлабки босқичда Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистон кейинги босқичларда Россия, Хитой, Корея, Туркия ва Германияда очиш масаласи долзарб вазифалардан бири саналади. Божхона назоратини ташкил этишда эса замонавий техника ва инновацион сканерлардан кенг фойдаланиш орқали кўпгина мамлакатларда (АҚШ, Сингапур ва ҳ.к.) самарали амалиёт йўлга қўйилган. Жумладан, божхона хизмати мансабдор шахслари томонидан бевосита жисмоний кўриқдан ўтказиш ўрнига инсон омилисиз ишловчи сканерлардан фойдаланилмоқда.

Украина иқтисодиёти ҳар йили коррупцион қилмишлар содир этилиши оқибатида 5 миллиард АҚШ доллари йўқотган. Мазкур муаммоларни ечиш мақсадида ҳудудий божхона тузилмалари 26 тадан 16 тага камайтирилган. Бундай ижобий тажриба 2018 йилда мамлакатимизда ҳам амалга оширилиб, 12 та божхона пости тугатилган.

Аргентина, АҚШ, Армения, Болгария, Исландия, Италия, Латвия, Македония ва Жанубий Африка Республикасида эса божхона ва солиқ органлари ягона орган сифатида бирлаштирилиб, алоҳида мустақил Давлат даромадлари хизмати сифатида ташкил этилган. Грециядa божхона ва солиқ органлари Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида фаолият олиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Давлат божхона қўмитасини такомиллаштиришнинг турли хил кўринишларидан фойдаланиш мумкин. Хусусан, узоқ истиқболда божхона ва солиқ органлари, шунингдек, ғазначилик идораларида ягона мувофиқлаштирилган давлат бошқаруви шаклини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Камрон НИҒМАТОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

**МАРҲАБО Солиева (исми-шарифлари ўзгартирилган) Пешку тумани Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Афшона қишлоғида яшайди. Бу маълумотни ўқиган ҳар қандай кишининг кўнглига, энг аввало, улуғ тиб илмининг султони Абу Али Ибн Сино туғилиб ўсган табаррук юрт фахрини солиши аниқ. Аслида бу ҳар қанча ғурурланишга арзийди.**

# АЁЛ — ТАДБИРКОР — ФИРИБГАР...

Аммо тиббиёт асосчиси Ибн Сино номи билан боғлиқлик бу аёл таржимаи қолининг қора саҳифаларидан ҳам ўрин олганлиги эса бироз дилни хира қилади.

Энди бу аёлнинг Ибн Сино номи билан қандай боғлиқлиги борлиги ҳақида гапираётганимизни баён қилсак ...

Ҳаётнинг турли ўйинлари, турли чиғириқлари, турли баланд-пастликлари бор. Инсон боласи гоҳида билиб, гоҳида билмай хатолар қилади. Ўз нафсига қуллиги қимматга тушишини жуда кеч англайди. Ўйламай қилган хатолари учун ўзи, атрофидагилар азият чекади, жабр кўради.

"Қаҳрамонимиз" М.Солиева ҳам ана шундайлар тоифасидан. У ўзганинг мулкини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, Гулбаҳор Собированинг ишончига кириб, ўзининг ваколатли танишлари орқали 400 АҚШ доллари эвазига Пешку туманидаги Афшона тиббиёт коллежига ўқишга кириш имтиҳонларидан ўтказишга ишонтириб, Г.Собировани пора беришга ундаб, 2020 йил 11 сентябрь куни Ромитан туманидаги "Деҳқон бозори" ҳудудидаги савдо дўконида ўқишга кириш орзусидаги қиздан қимёвий ишлов берилган 100 купюрали жами 400 АҚШ долларини олганда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган.

Судланувчи М.Солиева суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2011 йилдан 2018 йилга қадар Пешкудаги Афшона тиббиёт коллежида она тили фани ўқитувчиси вазифасида ишлаганлигини, 2020 йил сентябрь ойининг бошида собиқ ўқувчиси Нодир у ишлаётган Ромитан туман "Деҳқон бозори"да жойлашган савдо дўконига бир нотаниш қиз билан бирга келиб, шу қизни Афшона тиббиёт коллежига ўқишга киритишга ёрдам беришини сўраганлигини, унга коллежда танишлари борлигини ва улар билан гаплашиб, имтиҳонга ўша таниши ёрдам беришини ва бошқа айрим "ўзи учун керакли" маълумотлар"ни айтганлигини, шунда Г.Собирова бу таклифга рози бўлиб, эртаси куни пул ва ҳужжатларини олиб келишини айтиб, кетганлигини баён қилади.

Воқеалар ривожи эса... бироз кўнгилсизроқ ... 2020 йил 11 сентябрь куни келишилган вақтда Ромитан туман "Деҳқон бозори"да жойлашган савдо дўконида бўлган вақтида, Гулбаҳор унинг ёнига келиб, айтган ҳужжатларни тайёрлаб олиб келганлигини ва ҳужжатларини кўрсатиб, 400 АҚШ долларини берганлигини, "қаҳрамонимиз" эса унга ҳужжатларини онлайн топширганидан сўнг ўзи қўнғироқ қилишини айтиб, у билан хайрлашганлигини, Гулбаҳор савдо дўконидан чиқиб кетгач, бироздан сўнг унинг олдига 5-6 нафар нотаниш шахслар келиб, ўзларини таништириб, суриштирув ўтказганларини, ҳуқуқ- тартибот идоралари ходимлари М.Солиеванинг қўлидаги Гулбаҳор Собировага тегишли ҳужжатларни кўздан кечирганда, ичидан 100 купюрали 400 АҚШ доллар пул борлиги маълум бўлди.

"Пора 2020" ёзуви ёзилган бу пуллар тадбиркор аёлнинг йўлларига ғов, оёғига тушов бўлди. Шундан сўнг унинг асл мақсади аён бўлди, сирлари очилди. Савдо дўкони кўздан кечирилганда, унинг қора рангли сумкасидаги дафтарда Г.Собированинг телефон рақами шунчаки уни "ишонтириш" учун ёзиб қўйилганлиги, аслида у пулга муҳтож бўлганлиги сабабли Г. Собировани тиббиёт коллежига танишлари орқали киритиб қўйишини шунчаки пулни қўлга киритиш учун айтиб, алдаб, 400 АҚШ доллари олганлигини, бу пулларни ҳеч кимга бермасдан ўзининг эҳтиёжларига ишлатмоқчи бўлганлигини, имтиҳондан ўтказадиган танишлари ҳам йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўраб тавба қилди.

Суд унинг қилмишига яраша, иш ҳакининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Аммо ўз ошига ўз қўли билан "оғу" солган бу аёл ўз хатосини тушундимикан?

**Завқий ҚУРБОНОВ,**
**Бухоро вилоят суди судьяси,**
**Нозимжон ЖЎРАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Бухоро туман суди раиси**

---

**ҲАР бир соҳанинг ўзига яраша масъулияти, талаби ва қонун- қоидаси бор. Яна шуни айтиш мумкинки, заррача адашиш мумкин бўлмаган соҳалар ҳам бор. Инсон ҳаёти, саломатлиги бевосита қўлида бўлган шифокорларга чиндан-да адашиш, хатога йўл қўйиш асло мумкин эмас! Холбуки, уларнинг арзимасдеккина кўринган хатоси ҳам тузатиб бўлмас, мудҳиш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.**

# ХАТОМИ ёки ХИЁНАТ?

Тиббиёт ривожланган, замонавий технологиялар орқали танадаги ўзгаришлар, касалликни кўз билан кўриш мумкин бўлган бир даврда, пойтахтимиздаги клиник шифохоналардан бирида ана шундай мудҳиш хатога йўл қўйилди. Оқибатда эса бир инсон, оила боқувчиси, икки боланинг отаси, бу оламдан бевақт кўз юмди.

Ойбек қорин қисмида бошланган кучли оғриқдан азобланаркан, аёли "Тез ёрдам" чақириш лозимлигини англади. Биринчи ёрдамни кўрсатган "Тез ёрдам" ходимлари шошилинч шифохонага олиб бориш зарурлигини тушунтириб, беморни Тошкент шаҳридаги 4- шаҳар клиник шифохонасига олиб келишди.

Шифохонада қон таҳлиллари олиниб, 5-юқумли касалликлар шифохонасидаги шифокорларга кўриниш кераклиги айтилди. Беморда юқумли касаллик ҳолати аниқланмагач, бу хирургик ҳолат бўлиши мумкин, дейишди. Қайтиб яна 4-шифохонага келган О.Ақиловни навбатчи шифокор Учқун Алимов кўриб, таҳлиллари билан танишаркан, ҳеч қандай қўрқинчли ҳолат йўқлиги, эрталаб келишса "ичак бўйича республикадаги энг зўр мутахассис"га кўрсатишлари мумкинлигини тавсия қилиб, уйига рухсат бериб юборди.

— Лекин турмуш ўртоғимнинг иссиғи баланд-ку...

Аёлнинг бу гапи "олиб қолганим билан мен ҳам ҳеч нима қилолмайман, эрталаб келинглар!", деган совуққонлик билан якун топди. Шифокор ичкарига кириб кетди, бемор ва яқинлари эса фойеда, чорасиз, нима қилишни билмай қолишди. Оғриқ эса кучайгандан кучаяр, ҳарорат ҳам кўтарилиб борарди.

Оғриқдан азобланаётган О.Ақилов учун тун чўзилгандан чўзилди. Уни оғриқдан ташқари ич сурилиши, ҳароратнинг 42° даражагача кўтарилиши ҳам ҳолдан тойдирди.

Тонг отиб-отмай шифохонага етиб келишаркан, тавсия этилган "профессор" Фарруҳ Далиевга учрашишди. У беморни текшириб кўргач, йўғон ичакда муаммо йўқ, бошқаси эса ҳеч нарса эмаслигини айтиб уни шифохонага ётқизди. Эртасига жарроҳлик амалиётидан сўнг "Қўричак чириб кетган экан, энди ҳаммаси яхши бўлади", деган ҳам Ф.Далиев.

Бир сутка реанимацияда ётган О.Ақиловнинг умумий ҳолати яхшилигини айтиб, уни палатага олишаркан, аёлининг ҳамшира эканлиги учун ёнида қолишига рухсат беришди. Унинг айтишича, эрининг ҳарорати тушмаган ва бу ҳақда Ф.Далиевга айтганида, ўзгариш бўлишини айтиб чиқиб кетади. Кечга бориб беморда қайд қилиш бошланади. Ғарчи бемор айрим муолажалардан сўнг бирозгина ором олган бўлса-да афсуски, унда яна оғриқнинг кучайиши, кўнгил айниши, ҳароратнинг кўтарилиши, ҳатто алаҳсираш ҳолатлари бошланиб, яқинларини ваҳимага сола бошлайди. Эрталаб кузатувга кирган Ф.Далиевга буни айтиб йиглаган беморнинг аёлига у шундай деб жавоб беради: "Ўзбеклар ғалча, руслар зўр, тез тушунади!".

— Улар сўраган ҳар бир дори, ампулалар ва ҳатто совун-салфеткаларгача олиб келдик, — дейди О.Ақиловнинг аёли Гулмира Ақилова. — Ф.Далиев бу билан нима демоқчи бўлганини билмадим, ахир турмуш ўртоғим соғайгач барибир рози қилардик-ку...

Нахотки, шу қадар совуққонлик, масъулиятсизлик, бурчга хиёнат қилиш, қасамёдни унутиш мумкин бўлса?!

Ўша куни турмуш ўртоғида ҳаво етишмаслик ва баданида кўкариш бошланганини кўрган Гулмиранинг хаёлидан жарроҳлик амалиётида қатнашган анестизиолог шифокор Алим Салимовнинг "ишқилиб, сепсис бўлмасин-да", деган гапи ўтиб, нахотки захарланиш қонига ўтган бўлса, деган хавотирдан ваҳимага тушиб, Ф.Далиевга уни реанимацияга олишлари ва алоҳида назоратга қўйишларини илтимос қилиб ёлворди. Аммо...

Афсуски, инсон тақдирини ўйинчоқ деб билган оқ халатга доғ туширган хиёнаткор шифокорлардан нажот кутиш бехуда эди...

Бугун ўзининг совуққонлиги, касбига лаёқатсизлиги сабаб бир инсон ҳаётига зомин бўлиб суднинг кора курсисида ўтирган тиббиёт ходимлари Ф.Далиев ҳамда У.Алимовларнинг қилмишига яраша жазо тайинланди. Аммо юзта бундай жазо ҳам ҳаётдан эрта кетган бир инсоннинг гулдек умрини ҳеч қачон қайтариб бера олмайди...

**Баҳриддин ИКРАМОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси**

---

*ОТАЛАР ўгити олтиндан қиммат, дейишади.Чиндан ҳам шундай. Ҳеч бир ота-она ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Комил фарзанд ҳам умри бўйи ота-онасининг дуосини олсам, дейди. Орамизда ота-онасининг биргина дуоси ва панд-насиҳати учун бир умр бошига кўтариб юрган фарзандлар борлигидан фахрланамиз. Қанийди, ҳамма ҳам шундай бўлса, деб орзу қиламиз.*

## КУНДАГИ МАИШАТ
# ТУНГИ ҚОТИЛЛИККА сабаб бўлди

Таассуф. Беш қўл баробар бўлмаганидек, орамизда ота-она дуосини олиш ўрнига уларни норозо қилаётганларнинг ҳам борлиги ачинарли, албатта.

Боғот туманининг "Усталар" маҳалласида туғилиб ўсган Ойбек Матёкубов (исм-шарифлар ўзгартирилган) кейинги пайтларда ичкилик домига тушди. Ичмоққа маврид ва баҳона излайдиган бўлди. Кунларнинг бирида Матёкубовлар оиласида янги иморат тиклаётган усталар учун алоҳида дастурхон ёзилди. Ойбек бу "ўтириш"нинг косагули бўлди. Шу куни усталар иморат қурилаётган хонадонда тунаб қолишди. Ойбек тўйгунича оқ оғудан ичди. Тун ярмига етгач ётоғига кириб, умр йўлдошини беҳуда ҳақорат ва бехурмат қила бошлади. Ахлоқсиз гаплари, бақир-чақирлари билан бутун хонадондагиларнинг тинчини бузди.

Бу ҳолдан отаси — Қаландар Матёкубовнинг дили оғриб, ўғлини "Қўй болам, овозингни ҳатто усталар ҳам эшитаяпти. Вояга етган қизларинг олдида шундай ҳаёсиз гапларни айтишга уялмайсанми? Ўзингни тут, оилангни шармандаи-шармисор қилма! Яхшиси, ухлаб, даминги ол", деб инсофга чақирди. Отанинг тўғри танбеҳи нобакор фарзандга оғир ботди. Ота-бола ўртасида даҳанаки жанг бошланди. Кенжа фарзанд Зафарбекнинг аралашуви билан можаро бироз тинчигандек бўлди, аммо барибир барҳам топмади. Ичкилик туфайли ўзини назорат қилишни бутунлай йўқотган Ойбек эса қўлига илинган ошхона пичоғи билан отасига ўшқирди. Ота ҳатто ҳимояланишга ҳам улгура олмай қолди, ўткир тиғ зарбидан ерга қулади. Воқеа жойига ҳаялламай етиб келган "Тез ёрдам" шифокори унга ёрдам беролмади, фақат унинг ўлимини тасдиқлаб берди, холос...

Ота ноқобил ўғилга қилган насиҳати учун бевақт ўлим топди. Тасодифан юз берган оддийгина маиший келишмовчилик ана шундай даҳшатли қотилликка сабаб бўлди.

Судда гувоҳлик берганларнинг барчаси хонадондаги қотилликни ичкиликнинг касрига, касофатига йўйишди. Падаркуш 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Йиллар ўтади, панжара ортидаги жазо муддатини ўтаб қайтгач, у отасининг қабри олдида бирор сўз айтишга, виждони олдида ўзини оқлашга куч топа олармикан? Инсонга бундан оғир жазо борми?

**Улуғбек БАҚДУРДИЕВ,**
**Хоразм вилояти суди раиси ўринбосари,**
**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Инсон ва қонун
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
"Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалилович
Тожиев Фурқат Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи Маруса Ҳосилова
Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 4120
Буюртма — V-4631
Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5

# РОЛИКЛАР

## ЎЗИНГ ТАНЛА!

**Тасвир:** *Кенглик. Табиат. Тоғ ва дарё, боғлар. Одамлар оқими.*

**Овоз:** Қонун доираси кенг. Унга бутун рўйи-замин сиғади. Лекин кичкина бир ноқонуний хатти-ҳаракат сиғмаслиги мумкин. Қонун доирасидан ташқарида жазо ва жавобгарлик борлигини унутмайлик.

**Тасвир:** Болалар боғчаси. Бир қизалоқ қўлидаги идишдан ҳовлида очилиб турган гулга сув қуяяпти.

**Ёзув:** Сенинг ҳаракатингни олқишлаймиз. Табиатни ардоқла!

**Тасвир:** Бир ўқувчи ташқарида ниҳол экяяпти.

**Ёзув:** Тўхтама, эзгулик йўли борлиққа меҳр-муҳаббатдан бошланади.

**Тасвир:** Кўча. Кимдир *(фақат унинг қўли кўриниши мумкин)* ўсиб турган ниҳол бошини ёки навдасини бехосдан чўртиллатиб синдириб ўтади. Унинг тапиллатиб қадам ташлашлари, яъни оёқлари кўриниб туради.

**Ёзув:** Тўхта! Биз кўпинча кичкина, деб ўйлаган нарсалар аянчли ҳодисаларни бошлаб келиши мумкин.

**Овоз ва ёзув:** Ўзинг танла! Қаршингда яхшилик ва ёмонлик. Сен қайси томондасан?

## ҚАДАМИНГ ТЎҒРИ БЎЛСА ҚЎРҚМАЙСАН!

Оппоқ лабиринт. Лабиринт йўлакларида турли йўналишларга қаратилган стрелкалар. Лабиринт кўриниши юқори пландан берилади. Иккита кириш йўлаги. Йигит ўша йўлакларнинг биридан юрмоқчи. Кадр йигитнинг маъноли кўз қарашларига ўтади. Йигит йўлакларнинг қай бири тўғри манзилга олиб боришини билмаяпти. Шундай бўлса ҳам у қадам ташламоқчи.

**Кадр ортида:**

Ҳаёт бизга ўз мақсадларимизга эришишимизда ҳар доим икки йўлни тақдим қилади. Улардан бирида ҳаловат йўқ, хотиржамлик йўқ. Бу йўлнинг охири аянчли якун топади. *(Матн ўқилаётганда йигит йўлдан адашиб, саросимали ҳолатда, қўрқиб, қанча уринмасин йўлнинг охирига ета олмай, яна ўша бошида келган йўлга келиб қолаверадиган кадрлар тезликда, динамик ўсиш тартибида кўрсатилади).*

Яна бир йўл эса адолат йўли. Натижаси кечроқ кўринса-да, бу йўлда юргач ҳузурланасан, янги марраларни забт этасан, мақсадингга эришасан. *(Бу матн ўқилаётганда йигит ўзига ишонган, олдинга қараб юраверади, ҳар қадам ташлаганида хурсандчилиги ортиб боради. Ва у манзилига етади).*

**ЯКУН:**

Иккиланма! Қонун тарафида юр. Қадаминг қонуний бўлса қўрқмайсан!

## БАЙРАМЛАР БАЙРАМИ

**Байрам арафаси. Шинам ҳовли. Уй бекаси Гўзал опа у-бу юмушлари билан андармон. Ҳовли эшиги очилиб, 6 ёшлар чамасидаги Нодиржон кириб келади.**

**Нодиржон.** *(ҳовлиқиб, қўлидаги қоптокни томорқа четига иргитади)* Ойи, ойижон, бизнинг уйда байрам бўлмайдими?

**Гўзал.** *(ҳайрат билан унга термулиб)* Нега ундай дейсан? Албатта, бўлади.

**Нодиржон.** Ана, Баҳромнинг дадаси бозорга кетибди. Байрам дастурхони қилишаркан.

**Гўзал.** *(кулиб)* Даданг ҳам иш пайти тугаса, супермаркетдан бозорлик қилиб келадилар.

**Нодиржон.** Менга совға ҳам олиб келадиларми?

**Гўзал.** Ҳа, албатта!

**Нодиржон.** *(Қўлларини ҳаволатиб)* Ур-ре! Ойижон бу байрамда ҳам арча безатамизми? Бу ҳам Янги йилми?

**Гўзал.** Арча безатмасак ҳам, ҳамма жойни, уй, кўча-кўй, атрофни тозалаб, чиннидай қиламиз. Кўнглимизни тоза ниятлар билан безатамиз, болам. Янги йилдан ҳам зўр бу байрам!

**Нодиржон.** Бу байрамда ҳам уйда ҳаммамиз йиғиламизми?

**Гўзал.** Албатта. Бу байрам байрамларнинг байрами. Бу мустақиллик байрами.

**Нодиржон.** Мустақиллик нима, ойи?

**Гўзал.** Мустақиллик бу ўз уйингда ўзинг хўжайин, дегани. Масалан, ана ҳовлимизда гуллар ўсаяпти, узумлар, гилос экканмиз. Ана, сенинг қуёнчаларингга уй қуриб бердик, жўжаларингга катакча қурдик. Хуллас, ўз ҳовлимизда бошқа ҳеч ким хўжайинмас, ўзимиз эгамиз! Ўз хоҳишимиз билан ҳаммамиз тинч-тотув яшаяпмиз. Тушундингми?

**Нодиржон.** Ҳамма уйда шунақами?

**Гўзал.** Ҳамма уйда. Бутун Ватанимизда шунақа. Ватан ана шу уйлардан иборат. Сенинг ўртоқларинг, буванг ва бувингнинг уйи, бари-бари жамланиб катта бир уй бўлади. Бу уйни Ватан, дейишади. Тушундингми?

**Нодиржон.** Ватан менинг ҳам уйимми, ойижон?

**Гўзал.** Ҳа. Ватан Сенинг, барча болаларнинг уйи. Чунки Ватанимиз ҳам ўз хоҳиши, ўз эрки билан катта-катта боғлар яратаяпти. Кўп-кўп уйлар қурилаяпти. Ватанимизга энди ҳеч ким хўжайинлик қилолмайди, болам. Ана шу мустақиллик.

**Нодиржон.** Шунинг учун ҳам бу байрам ҳамманикими?

**Гўзал.** Ҳа, болам ҳаммамизники.

**Нодиржон.** *(Қўлларини ҳаволатиб, қичқиради).*

— Ур-ре-ей, бу байрам зўр байрам экан. Ҳамма уйда байрам бўларкан *(болакай қўлларини ҳаволатиб ҳовлидан кўчага отилиб чиқади. Гўзал унинг ортидан жилмайиб қолади).*

Кўкда порлаган мушақлар оғушида **МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК БЎЛСИН!** деган ёзув пайдо бўлади.

**Видеороликларни Кўчқор Норқобил ва Дилфуза Эргашевалар тайёрлади**

## ЭЪЛОНЛАР

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 23 мартдаги 64-ум-сонли буйруғига асосан "ADVOKAT NORQULOVA" ҳамда 65-ум-сонли буйруғига асосан "ISHONCH VA SABR" адвокатлик бюролари давлат рўйхатидан ўтказилди.

***

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 26 мартдаги 68-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Рустамов Улуғбек Норовичга малака имтиҳонини топширганлиги сабабли маъмурий ва жиноий суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

***

Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 11 мартдаги 64-ум-сонли буйруғига асосан, Фарғона шаҳридаги "Фар одил инсон ҳимоячиси" адвокатлик ҳайъати адвокати Иркабаева Мавлюда Абдуллаевнанинг (лицензия 08.01.2019 йил, FE №000219, адвокатлик гувоҳномаси №248, 14.02.2019 й.) адвокатлик мақоми тикланди.

***

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 29 мартдаги 128-ум-сон буйруғига асосан Яккабоғ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Каримов Фарход Фармоновичга (лицензия KS 0016, 24.04.2020 й.) ҳамда Китоб туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Чариев Кахрамон Тухтамишевичларга (лицензия KS 0045, 27.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши жорий йилнинг 29 март кунидан суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирликнинг Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи Тўрахон Бекбўтаевга акаси **Ёқуб аканинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.